

## ФОНЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ФАЗИСЛАРИ

**Д.Ш.Исломов**  
БухДУ докторанти

**Аннотация:** *Мазкур мақолада фонетик воситаларга кирувчи урғу, оҳанг, такт, нутқ товушларининг шаклланиши ва тараққиёт фазислари ҳақида дунё тилишунос олимларинг илмий қарашлари келтирилган ҳамда бу воситаларнинг тилишунослик, фонетика ва фоностилистикада тутган ўрни ҳақида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *урғу, оҳанг, такт, нутқ товушлари, эмоционал-экспрессив, функционал-стилистик, нутқий стратегия, талаффуз меъёрлари, акустик, физиологик, фонологик, пауза, фраза.*

Гарчи тил материал сифатида умумга тегишли бўлса-да, нутқда ундан фойдаланишнинг чексиз имкониятлари мавжуд. Сўзловчи шахси, унинг жамиятдаги мақеи ҳамда нутқий вазият билан боғлиқ равишда тил воситаларидан амалдаги меъёрлар доирасида истаганча фойдаланиш мумкин.

Тил воситаларидан фойдаланишдаги турли-туманлик вариантликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу фикрлар фоностилистик жараёнларга ҳам тегишлидир. Шунингдек, тилнинг бошқа ярусларида бўлгани каби, нутқ товушларининг эмоционал-экспрессив ва функционал-стилистик хусусиятларини таҳлил этишда ҳам экстралингвистик омиллар эътиборга олиниши лозим.

Нутқни амалга оширишда муайян мақсад кўзланиши, ният ҳамда вазиятдан келиб чиққан ҳолда расмий ёки норасмий мулоқот шаклининг танланиши ва маълум бир муддат ёки зудлик билан уни ижро этишга тайёргарлик кўрилиши яхлит бир нутқий бутунликни ташкил этишга хизмат қиладиган ана шу экстралингвистик омиллардир. Бинобарин, сўзловчининг нутқий стратегияси талаффуз меъёрларини ҳам белгилаб беради. Нутқ субъекти жараёндан қандай натижа кутмоқда? Сухбатдошга қандай таъсир кўрсатмоқчи? Уни айтганларига ишонтирмоқчими, алдамоқчими, насихат бермоқчими, бирон юмушни бажаришга даъват қилмоқчими, тарбияламоқчими? Бу каби мақсад ва режаларни санашни давом эттириш мумкин. Энг муҳими, кўзланган мақсадга боғлиқ тарзда ҳар бир нутқий вазиятда субъектнинг сўзлаш манераси ўзгариб боради.

Сўз маъноларини ажратиш, чегаралаш учун хизмат қиладиган воситалар фонетик воситалар саналади. Бундай воситалар каторига нутқ товушлари, урғу, оҳанг киради. Нутқ товушлари алоҳида келса маъно ифодаламайди, балки ҳар қандай сўз нутқ товушлари воситасида шаклланади. Сўз маъноларини

фарқлашга хизмат қиладиган фонемалар хусусида юқорида фикр юритилди. Луғат таркибидаги барча сўзлар, грамматик шакллар ана шу фонемаларининг маълум тартибда кетма-кет жойлашиши орқали шаклланади. Айрим ҳолларда ўхшаш бўлган (омоним) сўзларнинг маъно ва грамматик шакллари фарқлашда лексик урғу фонетик восита бўлиши мумкин. Гапнинг мақсадга кўра турини ажратишда эса оҳанг фонетик восита бўлиши мумкин.

XVII асрда нутқ товушларининг ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш бошланган бўлиб, бу ҳол кар-соқовларни ўқитиш эҳтиёжидан келиб чиққанлигини испаниялик Х.П.Бонет, англиялик Ж.Уилкинс, нидерландиялик И.Амман асарларида кузатиш мумкин. Тилнинг товуш томонини ҳар жиҳатдан лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш биринчи марта немис олими Э.Зиверснинг<sup>1</sup> асарида кузатилади. Россияда умумий фонетиканинг ривожига И.А.Бодуен де Куртене ва унинг шогирдлари В.А.Богородицкий ва Л.В.Шербалар ўз асарлари билан муҳим ҳисса қўшганларини ҳам айтиш мумкин.

Нутқ товуши асосий фонетик бирлик саналади. У уч аспектда ўрганилади: акустик, физиологик, фонологик. Биламизки, физикада товуш тўғрисидаги умумий назария акустика деб аталади. Акустика ҳар қандай товушларнинг, жумладан нутқ товушларнинг қуйидаги белгиларини фарқлайди:

- 1) акустика товуш кучи, яъни тебраниш чегарасига боғлиқдир;
- 2) товушларнинг паст баландлиги тебраниш тезлигига, яъни бир секундда бўладиган тебраниш сонига боғлиқ. Тебраниш қанча кўп бўлса, товуш шунча баланд чиқади, тебраниш кам бўлса, товуш паст чиқади;
- 3) товушнинг чўзиқ-қискалиги тебраниш вақтининг давомли ёки давомсиз бўлишига боғлиқ. Тебраниш давомсиз бўлса, товуш қисқа чиқади.

Нутқ товуши тембри (сифати) асосий тон билан ёрдамчи тонларнинг ва шовқиннинг қўшилишидан юзага келади. Товушнинг тембри резонаторлик вазифасини бажарувчи оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғининг ҳажми ва шаклига, товуш пайчаларида ҳосил бўладиган шовқинларнинг қандай бўлишига ҳам боғлиқ. Шунга кўра бир кишининг овози бошқа кишининг овозидан фарқ қилади.

Урғу – сўз бўғинларидан бири ёки гап таркибидаги бўлақлардан бирининг бошқаларига қараганда чўзиқ (кучлироқ) овоз ёки оҳанг билан талаффуз қилинишидир. Урғу тушган бўғин урғули бўғин ҳисобланади, урғу одатда, унли товушга тушади.

Маълумки, урғу ўз сифатига кўра икки турга бўлинади:

- 1) сўз урғуси; (ёки лексик урғу);
- 2) гап урғуси (ёки логик урғу). Сўз бўғинларидан бирига тушадиган урғу сўз (лексик) урғу дейилади.

<sup>1</sup> Zivers E. Tovush fiziologiyasi asoslari. 1876, 2-nashri. Fonetika asoslari, 1881.-52.

Маълумки, фраза тактларга бўлинади. Такт - фразанинг бир бўлаги ҳисобланиб, бир урғу ёрдамида бир ёки бир неча бўғинларнинг уланишидан ташкил топган. Урғули бўғин ёрдамида уланган тактларнинг энг юқори қисми кучли талаффузи билан фарқланади. Тактлар маънодор сўзларни мустақил урғуга эга бўлмаган сўзларга улаш учун хизмат қилади.

Ҳар икки томондан пауза билан бўлинган энг катта фонетик бирлик фраза деб аталади. Пауза даврида сўзловчи келгуси фразанинг талаффузи учун зарур нафас олади. Бир фраза бир қанча гапларни ўз ичига олиши мумкин. Бир гап ҳам бир қанча фразаларга бўлиниши мумкин. Шу туфайли фраза ва гаплар бир-бирига тўғри келмайди. Гап - грамматик (синтактик) бирлик, фраза эса, фонетик бирлик ҳисобланади. Фразалар интонация ёрдамида бир-бирига уланади.

Тактлар бўғинларга бўлинади. Бир ёки бир неча товушлардан ташкил топган такт бўлаги бўғин ҳисобланади.

Тиллар бўғиннинг тузилиши структурасига кўра фарқ қилади. Жаҳон тилларида энг кўп учрайдиган - бўғин тури “ундош- унли” бўлиб, у қулай талаффузи билан ажралиб туради. Бўғинларни улардаги охирги ва бошидаги товушларига қараб турларга бўлинади: очик (унлига тугаган), ёпик (ундошга тугаган), ярим очик (сонор ундошга тугаган) ва беркитилган (ундош билан бошланган).

Фраза урғуси, мелодия, ритм, пауза, темп, тембр каби просодик элементларнинг бирлигидан иборат бўлиб, тилда ҳар хил синтактик, экспрессив ва эмоционал маъноларни ифодаловчи мураккаб ҳодиса интонация дейилади.

Нутқнинг товуш жиҳатдан шаклланишида барча фонетик ва лексик-грамматик воситалар хизмат қилади. Фонетик воситалар ичида интонация алоҳида ўрин тутади. Интонация сўзловчининг нутқ мазмунига бўлган муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади.

М.Миртожиев “Ўзбек тили фонетикаси” асарида беш босқичли фонетик бўлиниш: гап, такт, сўз, бўғин, нутқ ҳақида мулоҳаза юритиб, ушбу фонетик бўлинишлар тадқиқида сегмент ва суперсегмент воситаларнинг моҳиятини очиб беради: “артикуляция кесимида товушларга сарфланган товуш кучи ҳамда баландлиги, вақт миқдори кабилар ҳам бор. Мана шу тил бирликлари нутқ кесимининг бир бўлаги, яъни сегменти бўлади. Шу нутқ кесимидаги бўлакка мансуб товушлар ўзига хос товуш кучи, баландлиги ва вақт миқдorigа ҳам эга ҳолатда воқеланади. Бу унинг просодик томони, яъни суперсегменти ҳисобланади”.<sup>2</sup>

Оҳанг (форсча – товуш, нағма, куй) – мусиқий ифода воситаси сифатида энг кичик куй бўлаги, интонация. Оҳанг бир неча товушларнинг мантқан уланиб боришидан ҳосил бўлиб, вокал мусиқада шеърый рукнга мос келади. Оҳанглар бирикиб йирикрок тузилмалар – куй жумлаларини ташкил этади. Оҳанг куйнинг

<sup>2</sup> Mirtojiev M. O‘zbek tili semasiologiyasi. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2010 – B.171.

бош (энг ўзига хос) тузилмаси ва бошқа маъноларда ҳам, хиндларда эса “оҳангит” мусиқанинг умумий ифодаси сифатида, форсийзабон халқларда “оҳангсоз” – бастакор маъносида ҳам қўлланилади<sup>3</sup>.

Бошқача қилиб айтганда, оҳанг - бир-бирига уланган, уйғунлашган ёқимли товушлар оқими, турли товушларнинг маълум бир тартибда уйғунлашиб, мусиқий бутунлик ташкил этган бирикмасидан иборат мусиқа асари, куй ҳамдир. Шунингдек, нутқда маънога қараб овознинг кўтарилиши ва пасайиши; интонация (буйруқ оҳанги, сўроқ оҳанг, тинч (босик) оҳангда сўзламоқ) назарда тутилади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Islomov, D. (2022). СТИЛИСТИКА ТУШУНШАСИ ТЎҒРИСИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ВА ТАҲЛИЛЛАР. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 12(12). извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/6504](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/6504)
2. Islomov, D. "ЖИЗНЬ АБДУЛЛЫ КАДИРИ И ЕГО ВКЛАД В УЗБЕКСКУЮ ЛИТЕРАТУРУ." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)* 6.2 (2021).
3. Islomov, D. (2022). Француз тили фонетикаси Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари: Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 8(8). извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/4108](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4108)
4. Islomov, D. (2023). On phonetics, phonostylistics and phonetic means. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 28(28). извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/8800](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8800)
5. Islomov, D. (2023). About Alliteration in French. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 28(28). извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/8798](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8798)
6. Islomov, D. (2023). АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТГАН КУНЛАР” АСАРИДАГИ ФОНОСТИЛИСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 28(28). извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/8801](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8801)
7. Islomov, D. (2022). О понятии и искусстве аллитерации, придающей особый фонетический и фоностилистический эффект узбекскому языку. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz)*, 16(16). извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/7057](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/7057)
8. Исломов Д. Ш. ЎЗБЕК ТИЛИДА ИЖРО ЭТИШГА ХОС БЎЛГАН ФОНОСТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК

<sup>3</sup> О‘зМЕ. Birinchi jild. Toshkent, 2000.



ХУСУСИЯТЛАРИ //" GERMANY" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS. – 2023. – Т. 9. – №. 1.

9. Islomov D. SECTION: CULTURAL SCIENCE //MODERN SCIENTIFIC RESEARCH. – 2019. – С. 21

10. Islomov, D. "THE ROLE OF PHONOSTYLISTIC UNITS AND PHONEMES IN THE PROCESS OF TEACHING FRENCH TO ADULTS IN THE ANALYSIS OF EXAMPLES." Конференции. 2021.

11. ISLOMOV, D. Sh, and GA JAHONGIROVA. "THE ROLE OF PHONOSTYLISTICS AND PHONOSTYLISTIC UNITS IN TEACHING FRENCH AT HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS." E-Conference Globe. 2021.

12. Islomov, D. Sh. "Phonetics and Phonology." Middle European Scientific Bulletin 11.1 (2021).

13. Islomov, D. S. "THE ROLE OF SONORS IN ENHANCING PHONETIC RESONANCE AND MELODY IN UZBEK POETRY." International Virtual Conference on Language and Literature Proceeding. Vol. 1. No. 1. 2022.

14. Исломов, Д. Ш. "Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку." Наука. Мысль: электронный периодический журнал 1 (2015): 23-29.

15. Islomov D. S. The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics» //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 9. – №. 4.

16. Ванцова Н. В., Исламов Д., Хусяинов Т. М. Возможности использования проектной методики при преподавании иностранных языков //Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2016. – №. 10. – С. 31-34.

17. ДШ.Исламов - ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ КОНФЛИКТЫ И ИХ РАЗРЕШЕНИЕ - NovaInfo. Ru, 2016.

18. Radjabov, R. (2023). Орфография НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ОРФОГРАФИИ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА: теоретические взгляды ученых на орфографию. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 27(27).

19. Radjabov, R. (2023). ACCENTS ET MARQUES ORTHOGRAPHIQUES EN FRANÇAIS. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).

20. Radjabov, R. (2023). A PROPOS DU CONCEPT D'ORTHOGRAPHE FRANÇAISE. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).